Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 25 (5629).

5 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Кеча Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съездида Ўзкомпартия Марказий Комитети ва Ревизия комиссияси ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар давом эттирилди.

Шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» ҳақида партия XXV съездига лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиевнинг доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Бугун съезд ўз ишини давом эттиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIX СЪЕЗДИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди 4 февраль куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

О. У. Салимов раислигида ўтгач эрталабки мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари муҳокама қилинди. Музокараларда Андижон область партия Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев**, Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг раиси **К. Нуъмонов** (Яшин), Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари **К. Муртазоев**, «Ташсельмаш» заводининг токари **Б. В. Ефремов**, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **Р. Ғ. Гойибов**, Ўзбекистон ССР Қурилиш министри **С. А. Омеров**, Денов даволаш-профилактика бирлашмасининг бош врачи **Н. Ф. Кудинова**, Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори **В. Н. Сивец** қатнашдилар.

Съезд қатнашчиларини Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи бўлинмаларининг вакиллари табрикладилар.

КПСС Ленинград область комитетидан, Белоруссия, Қирғизистон, Арманистон, Молдавия Компартиялари Марказий Комитетларидан, КПСС Новгород область комитетидан съезд номига табрик телеграммалари олинганлиги маълум қилинди.

Танаффусдан кейин **И. Г. Анисимкин** раислик қилди. Ҳисобот доклади юзасидан музокараларда Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари **С. М. Тоиров**, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Советининг раиси **М. А. Зоидов**, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари **М. Худойберганов**, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси **М. Исхоқова**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Э. Ғафуржонов**, Амударё районидаги Крупская номли колхоз раиси **О. Камолова**, Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари **М. К. Каримов**, Тошкентдаги 5-мактаб директори **В. И. Афанасьева**, Ўзбекистон ССР Маориф министри **С. Ш. Шермуҳамедов** сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ревизия комиссияси ҳисобот докладлари юзасидан музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

И. Р. Қурбонов раислигида очилган кечқурунги мажлисда съезд кун тартибидаги учинчи масалани қараб чиқишга ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Н. Ж. Худойбердиев** доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **А. К. Каримов**, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси **Е. Айтмуротов**, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи **Н. Р. Ҳамроев**, Андижон машинасозлик заводининг слесари **В. И. Тимохин**, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари **М. Камолов** қатнашдилар.

Раислик қилувчи социалистик мусобақада эришилган муваффақиятлар тўғрисида республикадаги турли меҳнат коллективларидан съезд номига рапортлар келганлигини маълум қилди.

Танаффусдан кейин мажлисни **С. Е. Белоножко** олиб борди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси тўғрисидаги доклад юзасидан музокараларда Пахтачи район партия комитетининг биринчи секретари **З. Норқулова**, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри **М. Х. Қурбонов**, Китоб районидаги К. Маркс номли колхоз бригадири **М. Эшонқулова**, «Андижангидрострой» бошқармасининг бошлиғи **В. Д. Медведев** сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар тугайди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** съездда якунловчи нутқ сўзлади.

Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги ишини қониқарли деб топишга бир овоздан қарор қиладилар.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини ҳам бир овоздан тасдиқлади.

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитети 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўтказишнинг январь ойи учинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқиб, қарор қилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари **Р. Қамбаров**, район ижроия комитетининг раиси, кузги-қишки тадбирларни ўтказиш группасининг раҳбари **Б. С. Тошхўжаев**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи ва хизматчилари касаба союзлари район комитетининг раиси **С. Исмоилов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Жалилова**, район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Ҳ. Жалилов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **В. С. Коленко**, район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи **Л. Муҳаммадназаров**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори **Э. Халилов** ўртоқлар) берилди.

Байрок Ўрта Чирчиқ районидан олиб берилади.

Чиноз, Бекобод, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ районларининг 1976 йил ҳосили учун қишки тадбирларни бажариш соҳасида яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Тошкент, Оққўрғон, Пискент ва Бўка районлари партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг эътибори хўжаликларда кузги-қишки тадбирларни жуда суст ўтказилаётганлигига жалб этилди.

Область матлубот жамиятига Калинин райони колхоз ва совхозлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси, суғориш тармоқлари, район бошқармаси илғор ходимларига сотиш учун битта енгил автомашина ажратиш топширилди.

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

Ўзбекистон Компартиясининг 3 февраль куни Тошкентда очилган XIX съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиб, КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш натижаларини зўр манфаатдорлик ва ишчанлик руҳида таҳлил қилмоқдалар. КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаганликларини изҳор этмоқдалар, ўнинчи беш йилликда республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни белгилаб олмоқдалар.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов кун тартибига қўйилган дастлабки ҳар иккала масала юзасидан музокарани бошлаб берди.

(Ўртоқ М. М. Мусахонов нутқи газетанинг 3-бетида босилган).

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Ш. Шамсиддинов**га сўз берилади. У область меҳнаткашларининг халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришган муваффақиятларни тўғрисида гапириб, қишлоқ хўжалигида юз берган катта миқдор ва сифат ўзгаришларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Фан-техника тараққиёти эришган муваффақиятларни изчиллик билан жорий этиш, ердан, техника, ўғит, мелиорация системаларидан оқилона фойдаланиш туфайли колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг қаҳрамонона меҳнати туфайли қурғоқчилик оқибатларини енгиш ва жамоат хирмонига 2 миллион 750 минг тонна — пландагидан 425 минг тонна кўп «оқ олтин» топшириш имкониятини берди.

Ана шу вақт мобайнида давлатга топшириққа қўшимча равишда анчагина сут, сабзавот, картошка, пилла ва бошқа маҳсулот топширилди.

Амалга оширилаётган барча тадбирларда идеология кадрларининг роли жуда каттадир. Область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларига амал қилиб ғоявий-тарбиявий ишни ҳаёт билан, заводлар коллективларининг конкрет вазифалари билан мустаҳкамламоқда.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Камолов** Қорақалпоғистон партия ташкилоти ҳисобот даврида қувонарли ўзгаришлар содир бўлди, улар энергетика ва техника билан кўпроқ таъминланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти кўпгина турларини давлатга сотиш беш йиллик плани бажарилди. процентдан зиёдроғи олий ва ўрта маълумотли кишилардир.

Ўтган беш йилликда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари ҳар қачонгидан кўра юқори бўлди. Қишлоқ хўжалиги юксалмоқда, унинг ялпи маҳсулоти 33 процент кўпайди. Беш йил ичида давлатга пахта топшириш олти йиллик плани бажарилди. Амударё этакларида шоликорликни ривожлантириш юзасидан берилган топшириқлар муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Ўтган йили ялпи дон йиғиштириб олиш 1970 йилдагига нисбатан бу ерда уч баравар кўпайди.

Область партия ташкилоти ўзининг бутун куч-ғайратини мамлакатимиз халқлари бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратмоқда. Меҳнаткашларни интернационал тарбиялашнинг муайян системаси ишлаб чиқилди. Бунинг учун идеология ишининг ранг-баранг шакллари ва усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Биз шу билан фахрланамизки, деди Навоий кон-металлургия комбинатининг директори **А. А. Петров**, — республикамиз рангли металлургия, машинасозлик, электротехника, авиация ва мамлакатимиз кўпгина бошқа саноат тармоқларининг йирик марказига айланмоқда. Республикамиз мамлакатнинг асосий «оқ олтин»ни конидир, бунинг устига саноат марказига айланиши янада яхши.

Тўққизинчи беш йиллик Марказий Қорақумга кенг кўламда ҳужум қилиш даври бўлди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг доимий ғамхўрликлари туфайли бу ерда мавжуд бўлган бой фойдали қазилма конлари муваффақиятли равишда ўзлаштирилмоқда.

Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **Б. Р. Раҳимов** Самарқанд областининг экономикаси ҳисобот даврида олга катта қадам қўйганлигини таъкидлаб ўтди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми беш йил ичида анча ўсди. Капитал қурилиш жадал суръатлар билан олиб борилди. Янги катта-катта корхоналар ишга туширилди. Область колхоз ва совхозларида қувонарли ўзгаришлар содир бўлди, улар энергетика ва техника билан кўпроқ таъминланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти кўпгина турларини давлатга сотиш беш йиллик плани бажарилди. Хўжаликлараро кооперация ва уни саноат негизига кўчириш базасида чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш бошланди.

Бизнинг куч-қудратимиз Коммунистик партия тевараги-га маҳкам бирлашишимизда. Бутун меҳнат аҳли сафларининг жипслигида, юксак онглилигида, уюшқоқлиги ва интизомлилигида, — деди Наманган шойи газламалар комбинатининг ишгирувчиси **Л. Д. Қаландарова**.

Комбинатда 40 та миллат намояндалари аҳил бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Маҳсулот реализация қилиш беш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Ўз ишининг ажойиб усталари камол топди. Улардан кўплари тўқизинчи беш йиллик топшириқларини ошириб бажардилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони **С. Е. Белоножко** округ жангчилари қуруқликда ва ҳавода жанговар хизматни ҳушёрлик билан ўтаётганликларини, Совет Иттифоқининг жанубий чегаларини мустаҳкам қўриқланаётганликларини, партия билан Ватаннинг ҳар қандай буйруғини тўла-тўкис ва ҳамиша бажаришга шай турганликларини таъкидлаб ўтди.

Совет Армияси халқ билан чамбарчас боғланган бўлиб, халқнинг чексиз меҳр-муҳаббати ва ишончига сазовордир. Армия билан халқнинг бузилмас бирлиги шу нарсада яққол намоён бўлмоқдаки, Қуролли Кучлар сафи доим халқ вакиллари — Совет Армиясига Ватанни ҳимоя қилишдан иборат ўзининг муқаддас бурчини бажаришга чақирилган ёшлар билан ҳамиша тўлдириб борилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси **Қ. А. Аҳмедов** минбарга чиқади. У республика партия ташкилоти КПСС XXIV съезди, Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди ишлаб чиққан йўлдан оғишмай олга бориб, социал-иқтисодий ривожланишнинг мураккаб проблемалари муваффақиятли ҳал этилишини таъминлади, деди. Шунинг натижасида тўқизинчи беш йиллик мобайнида халқ хўжалигининг барча тармоқларида барқарор ва юксак ўсиш суръатларига эришилди.

Ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш тўғрисида партия талабларини амалга ошириш учун кўпгина иш қилишга тўғри келади.

(Ҳисоботнинг давоми келгуси сонда).

СУРАТДА: Ўзбекистон Коммунистик партияси XIX съезднинг мажлислар залида.

А. Авазов ва А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ЗОЯНИНГ АҲДИ

Зоя фермага ишга киргани-да дастлаб қийналди. У пайтларда ҳозиргидек соғиш аппаратлари қаёқда? Молларга ем-хашак бериш, суғориш, тозалаш ишлари қўл билан бажариларди,

Бора-бора иш юришиб кетди. Жайдари моллар ўрнини зотдор, серсут сигирлар эгаллади. Фермадаги ишлар механизациялашди. Илгари беш-олти киши бажарадиган юмушларни бир соғувчи ўзи уддалайди.

Зоянинг сут-товар фермасида иш бошлаганига 14 йилдан ошди. Дастлабки иш бошлаган йилларида, ҳар бош сигирдан 1 тоннага етар-етмас сут соғиб олган бўлса, ўтган йилги кўрсаткич 3 тоннадан ортиқ бўлди.

Ленин ордени кавалери Зоя Ханжинованинг меҳнат календарида ҳозир ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили тугаяпти. У КПСС XXV съезди очиладиган кунгача 1977 йил маррасини ҳам эгаллашга аҳд қилиб, меҳнат қилмоқда.

Э. ИСМОИЛОВ.

МОСКВА ШАҲАР XXII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Москва меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда КПСС XXV съездини меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олмоқдалар. Партия Марказий Комитетининг 1975 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг XXV съездга лойиҳаси, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1976 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори пойтахт меҳнатчиларининг сиёсий активлиги билан меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборди.

Москва шаҳар XXII партия конференцияси 4 февраль куни Союзлар уйининг колонна залида коммунистик партия, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети теварагида метиндек бирлик вазиятида очилди.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. Н. Косыгин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқларни делегатлар гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Коммунистик партия билан совет давлатининг раҳбарлари конференция президиуми составига якдиллик билан сайландилар.

Конференциянинг кун тартиби тасдиқланади:

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин Москва шаҳар партия комитети номидан ҳисобот доклади қилди. Партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини бутун халқ қўллаб-қувватламоқда, деди докладчи. Москваликлар партия сиёсатини батамом ва тўла-тўкис маъқуллайдилар. Улар барча совет кишилари билан биргаликда ватанимиз бахт-саодати йўлидаги, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги, коммунизм идеалларининг тантанаси йўлидаги тинимсиз фаолиятлари учун КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этадилар.

Ўз сафларида салкам бир миллион коммунистни бирлаштириб турган Москва шаҳар партия ташкилоти партиямизнинг КПСС Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган, марксизм-ленинизм буюк байроғига чексиз садоқатли жанговар отряндир. Москва шаҳар партия ташкилоти партия Марказий Комитети раҳбарлигида КПСС XXIV съезди қарорларини, халқ хўжалик планларини бажариш соҳасида, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, пойтахтни намунали коммунистик шаҳарга айлантириш соҳасида катта иш қилди.

Шаҳар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани ҳамма асосий кўрсаткичлар бўйича бажарилди, деб таъкидлади докладчи. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан белгиланган топшириқ муддатидан тўрт ярим ой барвақт бажарилди. Пландан ташқари бир неча миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаб берилди. Беш йиллик мобайнида саноат ишлаб чиқариши пландаги 34,1 процент ўрнига 37,6 процент кўпайди. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги шу даврда 37,1 процент ошди. Фойда 1,7 баравар кўпайди.

Меҳнат коллективлари чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини оширишга ҳам куч-ғайрат сарфладилар. Москва саноатининг икки ярим минг маҳсулотига давлат сифат белгиси берилди.

Шу билан бирга докладчи камчиликларни ҳам кўрсатиб берди.

Сўнгра В. В. Грицин ўнинчи беш йилликда Москва халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига батафсил тўхталиб ўтди.

Докладда шаҳар меҳнаткашлари турмушининг моддий ва маданий даражасини ошириш билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съездида Москвани намунали коммунистик шаҳарга айлантириш тўғрисида қўйган вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган масалаларга катта эътибор берилди.

Шаҳар партия комитети партия ташкилотларининг ғоявий-сиёсий ишини такомиллаштиришга, пойтахт коммунистларини, барча меҳнаткашларни коммунистик дунёқараш руҳида камол топдиришга, уларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялашга доимо эътибор бериб келмоқда. Шу йилнинг ўзида сиёсий ва иқтисодий ўқишнинг ҳамма бўғинларида 3 миллион 720 минг киши, яъни бундан икки йил илгаригига нисбатан 400 минг кўп киши шуғулланмоқда.

Докладда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ҳисобот даврида шаҳар партия ташкилотининг сафлари янада ўсди, унинг сифат состави яхшиланди.

Бутун партияда бўлгани каби Москва партия ташкилотида ҳам ҳозир КПСС XXV съездига фаол тайёргарлик кўрилмоқда, деди сўзини давом эттириб докладчи.

Делегатлар номидан, Москванинг барча коммунистлари номидан В. В. Гришин КПСС Марказий Комитетини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневни ишонтириб бундай деди: пойтахт меҳнаткашлари меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришиш, халқ хўжалик планларини бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, ўнинчи беш йиллик ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлиб қолиши учун ҳамма чораларни кўрадилар. Москва шаҳар партия ташкилоти ўз сафларини КПСС Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслаштиради, коммунизм тантанаси учун курашда бундан буен ҳам унинг содиқ таянчи бўлади.

КПСС Москва шаҳар ташкилоти ревизия комиссиясининг хисобот докладидан кейин музокаралар бошланди.

5 февраль куни конференция ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIX СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ

Комиссия раиси ўртоқ К. КАРИМОВ доклади

Делегат ўртоқлар! Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди ўз ишини шонли бир пайтда — партиянинг ва бутун мамлакатимизнинг ҳаётида буюк воқеа бўлмиш КПСС XXV съезди арафасида бошлади.

КПСС XXIV съездидан кейинги даврда ички ва халқаро аҳамиятга молик кўпгина энг муҳим воқеалар бўлди. Совет халқининг илҳомбахш ва фидокорона меҳнати натижасида катта муваффақиятларга эришилди. Бизнинг Улуғ Ватанимиз улкан иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида олга қараб яна бир қадам қўйди. Бу муваффақиятлар партия, унинг ленинчи Марказий Комитети, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг буюк фаолияти туфайли қўлга киритилди.

Ўзбекистон коммунистлари коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшаётганликлари билан ҳақли суратда фахрланадилар. Улар партиянинг ҳамма планларини бажарамиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди қабул қиладиган барча қарорларни амалга оширамиз, деган қатъий ишонч билан ўзларининг XIX съездига келишди.

КПССнинг жанговар, содиқ ва синаллари отрядларидан бири бўлмиш Ўзбекистон Коммунистик партияси ўзининг навбатдаги съездини КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагига янада маҳкам жипслашган, ташкилотчилик ва сиёсий иш тажрибаси билан бойиган ҳамда республика коммунистларини, барча меҳнаткашларини янги меҳнат зафарларига отлантиришга қодир бўлган бир ҳолда кўтиб олди.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳисобот давридаги бутун кўп қиррали фаолияти партия XXIV съездининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажаришга ижодий, принципиал ва илмий жиҳатдан асослаб берилган тарзда ёндашув руҳи билан суғорилган. Партиявий раҳбарликнинг ленинча услуби ва методларини янада такомиллаштириш, конкретлик ва ишчанлик, экономика ва маданиятни юксалтиришнинг актуал проблемалари юзасидан тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда коллегиаллик усулини қўлланиш республика партия ташкилоти учун ва униг сайлаб қўйилган органлари учун характерли бир ҳолдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кадрларга нисбатан талабчанликни доим ошириб, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларини яхши йўлга қўйди, партия, совет ва хўжалик органларининг ишидаги нуқсонларни очиб ташлади ва бартараф қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аппарати пухта ва оперативи иш олиб борди.

Ўзбекистон Компартиясининг ревизия комиссияси ўзининг амалий фаолиятида КПСС XXIV съездининг қарорларига амал қилди ва партия ҳужжатларининг ўтишини, партия бюджетининг ижросини республикадаги партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг мустаҳкам бирлигини ва уларнинг КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганлигини янада зўр куч билан намойиш қилди. Коммунистлар Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг ҳис-туйғулари, фикр, орзу-тилаклари, иродаси ва ниятларини ифода этиб, партиянинг доно ва принципиал ишчи ҳамда ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети ва замонамизнинг энг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, содиқ ва матонатли ленинчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини қизғин ва якдиллик билан тўла-тўкис маъқулладилар. Раҳбар партия органлари ва Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги XIX съезди делегатлари ўзаро ишонч ва якдиллик вазиятида сайланди.

Партиямизда ва мамлакатимизда вужудга келган ва қарор топган соғлом сиёсий муҳит Ўзбекистондаги барча партия ташкилотларида ўтказилган конференциялар ва ҳисобот-сайлов йиғилишларининг ишида, шунингдек съездимизнинг ишида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Дўстлик ва ўртоқлик, оптимизм ва ишчанлик, ўзаро ишонч, принципиаллик ва камчиликларга нисбатан муросасизлик яхши кайфиятни вужудга келтиради, коммунистларнинг энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларини муваффақиятли ҳал этишларига ёрдам беради.

Ўртоқлар! Партиянинг аъзолик взнослари партия ташкилоти пул даромадларининг асосий манбаидир. Взнослар барча тушумларнинг қарийб 65 процентини ташкил этади. Маълумки, аъзолик взносларини тўлаш — коммунистнинг энг биринчи бурчларидан биридир.

Ревизия комиссияси партия бюджетининг даромад қисми йил сайин ошириб бажарилаётганлигини ва ҳисобот даврида қарийб икки баравар кўпайганлигини маълум қилади. Бу — бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар ва область партия комитетлари томонидан кенг кўламда олиб борилган ташкилотчилик иши натижасидир. Бу соҳада Андижон, Бухоро ва Қорақалпоғистон область партия ташкилотларининг иш тажрибаси диққат-эътиборга сазовордир.

Шу билан бирга ўтказилган текшириш — Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё областларидаги баъзи партия ташкилотларида коммунистлар Устав талабларини бузаётганлиги — партия аъзолигига взносларини ўз вақтида ва бутун иш ҳақи юзасидан тўламаётганлиги, уч ой ва ундан ҳам кўпроқ вақт ичида қарздор бўлиб қолганлиги, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари эса бундай ҳолларда взносларни партия бюролари ва йиғилишларида муҳокама қилмай қабул қилганлиги каби фактлар борлигини кўрсатди.

Жиззах, Фарғона областларида ва бошқа баъзи областларда бошланғич партия ташкилотларининг айрим секретарлари интизомга риоя қилмай, тўпланган взносларни ўз вақтида омонат кассаларга топширмадилар ва взнослар ҳақидаги ҳисоботни партия комитетларига ўз вақтида юбориб туришни таъминламадилар.

Буларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг аъзолик взнослари тўғрисидаги инструкциясини коммунистлар яхши билиб олмаганликлари, шунингдек баъзи район, шаҳар ва область партия комитетлари контролни сусайтириб юборганлиги ўрқасида рўй берди. Ревизия комиссияси бундай бузишларни ўз вақтида очиб ташлади, шу ҳақдаги масалаларни партия комитетларининг муҳокамасига қўйди ва бу билан ана шу нуқсонларни йўқотишда конкрет ёрдам берди.

Партия нашриёти оладиган фойдалардан ажратмалар — пул даромадларининг иккинчи манбаидир. Бу ажратмалар ҳисобот даврида икки ярим баравардан зиёд кўпайди ва 1975 йилда олинган бутун даромаднинг 34,4 процентини ташкил этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти республикадаги партия ва совет матбуотининг асосий ишлаб чиқариш базаси бўлиб қолди. Бу нашриёт замонавий, энг яхши техника билан таъминланган. Бу ерда марказий газеталар —«Правда», «Известия», «Комсомольская правда», «Труд» ва бошқа газеталар босиб чиқарилмоқда, энг йирик махсус босма комплекси ўзлаштирилди.

Ҳисобот даврида редакция корпусининг 16 қаватли биноси, бир қанча сиёсий маориф уйлари ва бошқа объектлар қурилиб, фойдаланиш учун топширилди.

Нашриёт 1975 йилда 35 номдаги газета чиқариб, уларнинг кундалик тиражи 5 миллион 800 минг нусхага етди ва 36 журналнинг ойлик тиражи 7 миллион 800 минг нусхани ташкил этди. Ҳисобот даврида газеталарнинг тиражи 25 процент кўпайди.

Ревизия комиссияси нашриётнинг молия-хўжалик фаолиятини доим контроль қилиб турди, аниқланган камчиликларни йўқотишга ёрдам берди.

Ревизия комиссияси нашриёт, газета ва журналлар редакцияларининг ишида анча катта ютуқлар қўлга киритилганлигини таъкидлаш билан бирга, нақарилаётган маҳсулотнинг сифатини янада яхшилаш ва газета ҳамда журналларни ўқувчиларга ўз вақтида ва узлуксиз етказиб беришни таъминлаш зарур эканлигига эътиборни жалб этиш керак, деб ҳисоблайди.

Ревизия комиссияси партия бюджетининг ҳаражатлар қисми тўғрисидаги масалага тўхталиб, қуйидагиларни маълум қилади: Ўзбекистон Компартияси ўз даромадларининг ўсиши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жойлардаги партия комитетлари томонидан амалга оширилган ҳамма тадбирларни пул билан ўз вақтида таъминлаш имконини берди.

Бюджетда кўзда тутилган маблағлар сметага мувофиқ сарфланди. Бу маблағлар партия органлари, муассасаларининг эҳтиёжларига, партия ва совет кадрларини тайёрлаш ва қайтадан тайёрлашга ҳамда капитал қурилишга сарф қилинди.

Ҳисобот даврида 26 миллион сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Битказилмаган қурилиш ҳажми анча қискартирилди. Топшириладиган объектларнинг сифати яхшиланди.

Ҳисобот даврида В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг фондлари анча кўпайди. Ҳозирги вақтда бу фондларда саккиз минг экспонат бор. Музейни уч миллиондан ортиқ киши келиб кўрди. Бу ерда 20 минг лекция ўқилди. Бу лекцияларни 700 минг киши тинглади. В. И. Ленин музейи Ленининг ҳамиша барҳаёт ғоявий меросини пропаганда қилиш маркази бўлиб қолди. Музей совет кишиларида ва чет эллик меҳмонларда буюк ифтихор ва фахрланиш туйғуларини уйғотмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг бутун куч-ғайрати партия тарихи ва партия қурилишига доир проблемаларни тадқиқ этишни кучайтириш ва такомиллаштиришга, марксча-ленинча назарияни ва Коммунистик партия сиёсатини пропаганда қилишга қаратилди.

Республика партия ташкилоти ҳисобот даврида партия ҳужжатлари алмаштирилиши муносабати билан кўп иш қилди. Эндиликда коммунистлар Коммунистик партиямизнинг асосчиси — В. И. Ленин сурати тасвирланган партия билетини олиб юришдек юксак шарафга сазовор бўлдилар. КПСС аъзоси бўлиш буюк шараф, аммо у зўр масъулият ҳам юклайди. Партия ҳужжатларининг алмаштирилганлиги партия хўжалигини юритишни, коммунистлар учётини яхшилашга ёрдам берди.

Аммо бундай муҳим ҳужжатни сақлашга тегишинча эътибор бермаётган айрим партия аъзолари ва партия аъзолигига кандидатлар ҳануз учраб турганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Афсуски, янги партия билетларини ва кандидатлик карточкаларини йўқотиб қўйиш каби ҳоллар ҳали ҳам учраб туради.

Икки съезд ўртасидаги даврда ревизия комиссияси меҳнаткашларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Секретариатининг мажлисларида кўп марта муҳокама қилинди.

Ўтказилган текширишлар меҳнаткашлар хат, шикоят ва таклифларини кўриб чиқиш устидан контроль қилиш ҳамда ҳужжатларни сақлаш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ўрнатилган тартиб КПСС Марказий Комитетининг партия ташкилотларида иш юритиш ҳақидаги Инструкциясига тамомила мувофиқ эканлигини истаймиз.

Ўртоқлар! Ўзбекистон Компартиясининг съезди партия ташкилотларининг бажарган ишларини якунлайди, камчилик ва нуқсонларни очиб ташлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, бутун республика партия ташкилотининг фаолиятини яхшилаш йўллари ва воситаларини белгилайди.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС XXIV съезди эълон қилган Тинчлик программаси муваффақиятли амалга оширилаётганлиги туфайли тинч шароитда меҳнат қилмоқдалар. Совет кишилари бунинг учун ленинчи Марказий Комитетга, унинг Сиёсий бюросига ва шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур изҳор қиладилар.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партиянинг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети лойиҳасида ифода этилган ғамхўрлигига жавобан КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. (Қарсаклар).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XIX СЪЕЗДИ МАНДАТ КОМИССИЯСИНИНГ ДОКЛАДИ

Комиссия раиси ўртоқ Г. М. ОРЛОВ доклади

Ўртоқлар! Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладида республика партия ташкилотининг катта ва кўп қиррали фаолияти принципиал партиявий позицияларда туриб чуқур ва батафсил баён қилинди, партия ташкилотининг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти юксак даражага кўтарилганлиги кўрсатиб берилди.

Республика меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида КПСС XXIV съезднинг қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашда эришган муваффақиятлари ҳаммамизни чин кўнгилдан ҳурсанд қилади.

Мандат комиссияси зўр мамнуният билан шуни қайд қиладики, съездимизнинг делегатлари — саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари ютуқларимизнинг шоҳиди бўлибгина қолмай, балки тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун қурашнинг бевосита ташкилотчилари, актив иштирокчилари ҳамдир.

Мандат комиссияси барча делегатларнинг ваколатларини текшириб чиқди ва уларни ҳақиқий деб топди. Делегатлар партия уставига мувофиқ ва КПСС Марказий Комитетининг «Раҳбар партия органларига сайлов ўтказиш тўғрисида»ги инструкцияси талабларига тамомила мувофиқ суратда область партия конференцияларида ёпиқ, яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети белгилаган вакиллик нормаларига ҳамма жойда риоя қилинди. Партиянинг 310 аъзосидан бир делегат сайланди.

XIX партия съездига бир овоздан 1534 делегат сайланди, делегатларнинг ҳаммаси съездга келганлигини ва унинг ишида қатнашаётганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтамиз.

Съездимиз олдидан ҳисобот ва сайловлар ўтказилди. Бу ҳисобот ва сайловлар партия XXV съездига тайёргарлик, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари ва ўнинчи беш йилликда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳасида Марказий Комитет томонидан қўйилган улуғвор мақсадлар туфайли меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик гоят ўсган бир вазиятда ўтди.

Бу ҳужжатлар конференцияларнинг руҳи ва сиёсий йўналишини белгилаб берди, коммунистларни қилинган иш якуларини ижодий тарзда ўз-ўзини танқид ва талабчанлик руҳида таҳлил этишга, резерврларни қидириб топишга, келажакдаги ишлар учун конкрет хулосалар чиқариб олишга отлантирди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференциялари республикадаги партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг мустаҳкам бирлигини ва уларнинг КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганлигини янада зўр куч билан намойиш қилди. Коммунистлар Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг ҳис-туйғулари, фикр, орзу-тилаклари, иродаси ва ниятларини ифода этиб, партиянинг доно ва принципиал ишчи ҳамда ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети ва замонамизнинг энг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, содиқ ва матонатли ленинчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини қизғин ва якдиллик билан тўла-тўкис маъқулладилар. Раҳбар партия органлари ва Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги XIX съезди делегатлари ўзаро ишонч ва якдиллик вазиятида сайланди.

Партиямизда ва мамлакатимизда вужудга келган ва қарор топган соғлом сиёсий муҳит Ўзбекистондаги барча партия ташкилотларида ўтказилган конференциялар ва ҳисобот-сайлов йиғилишларининг ишида, шунингдек съездимизнинг ишида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Дўстлик ва ўртоқлик, оптимизм ва ишчанлик, ўзаро ишонч, принципиаллик ва камчиликларга нисбатан муросасизлик яхши кайфиятни вужудга келтиради, коммунистларнинг энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларини муваффақиятли ҳал этишларига ёрдам беради.

Съездимизда барча область партия ташкилотларининг вакиллари — Тошкент областидан 457 делегат, Фарғона областидан 166, Самарқанд областидан 146, Андижон областидан 145, Бухоро областидан 141, Наманган областидан 95, Қашқадарё областидан 77, Қорақалпоғистон автоном республикасидан 75 ва Хоразм областидан 75, Сурхондарё областидан 74, Сирдарё областидан 43 ва Жиззах областидан 40 делегат қатнашмоқда.

Ўзбекистон ҳаритасида съезддан съездгача бўлган даврда янги маъмурий марказлар, шаҳарлар, саноат ва қишлоқ районлари вужудга келмоқда. Съезд ишида ҳисобот даврида ташкил қилинган Жиззах области, Қувасой, Зарафшон шаҳарлари, Тошкент шаҳрининг Сергели райони ва еттита қишлоқ районлари — Комсомолобод, Октябрь, Арнасой, Нишон, Советобод, Оқолтин ва Ленин йўли районлари партия ташкилотларининг делегатлари биринчи марта иштирок этмоқдалар.

Съездимиз делегатларидан 829 киши бевосита моддий бойлик ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилмоқда. Улардан 280 киши республика шонли ишчилар синфининг вакилидир. Булар — социалистик мусобақа қолиблари, меҳнатда қимматли ташаббуслари бошлаб берган кишилар, ёшларнинг меҳрибон мураббийлари, партия активларидир. Улар мураккаб машина, агрегат ва механизмларни, автомат ва поток линияларни бошқармоқдалар, аниқ ишлайдиган машина-ускуна ва турбиналарни ўрнатмоқдалар, ноёб бино ва иншоотларни барпо этмоқдалар.

Делегатлардан 268 киши колхозчилар, совхоз ишчилари ва бригадирлардан иборат. Булар орасида пахтадан мўл ҳосил етиштираётган ва донги кетган моҳир усталар ,таниқли жўхорикорлар, шоликорлар, чорвадорлар, сабзавотчилар, боғбонлар, Мирзачўл ва Қарши даштларини, Сурхон—Шеробод водийсини, Марказий Фарғонани, Қорақалпоғистондаги янги ер массивларини ўзлаштираётган кишилар бор.

Механизаторлар тўғрисида алоҳида гапириб ўтишни истаймиз. Далаларнинг 70 нафар гвардиячиси делегат қилиб сайланганлигини ҳурсандчилик билан маълум қиламиз. Бу — Ўзбекистон Компартиясининг аввалги съездига делегат қилиб сайланган механизаторлар сонидан икки баравар кўп. Бу эса кенг профилли механизатор қишлоқда марказий сиймо бўлиб қолаётганлигини кўрсатади. Аслини олганда булар қишлоқ хўжалигида техниканн тараққий этираётган кишилардир. Қуйидаги характерли рақам механизаторларнинг тобора катта роль ўйнаётганлигидан далолат бериб турибди: механизаторлар беш йил ичида пахта териш машиналарининг бункерларидан 11 миллион тоннадан зиёд ғўзани авваги беш йилликдагига нисбатан қарийб икки баравар кўп «оқ олтин» тўкдилар.

Съезд қатнашчиларининг состави делегатларнинг билим савияси ва профессионал тайёргарлиги ғоят юксак даражага кўтарилганлиги билан характерланади. Делегатларнинг 58 процентн олий маълумотли, 40 процента тўлиқсиз олий ва ўрта маълумотлидир. Делегатлардан 517 киши дипломли инженер, агроном, экономист ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган бошқа мутахассислардан иборат. Бу рақамлар республика маориф ишларини ривожлантиришда, юқори малакали кадрлар тайёрлашда катта муваффақиятларга эришганлигини акс эттиради.

Делегатлар орасида корхона ва қурилишлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва фирмаларнинг 95 раҳбари, 40 совхоз директори ва 85 колхоз раислари бор. Булар — ишлаб чиқаришнинг нуфузли ва талантли ташкилотчиларидир. Булар халқ орасидан етишиб чиққан бўлиб, махсус билим ва бой тажрибага эга кишилардир.

Съезд ишида ишчилар ва колхозчилар билан бир қаторда фан, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш арбоблари — таниқли олимлар, ёзувчилар, архитекторлар, врачлар ва ўқитувчилар, рассомлар ва артистлар қатнашмоқда. Улар фан ва маданиятни бойитиб, ривожлантирмоқдалар, ёшларни ўқитиб, тарбияламоқдалар, ўзларининг ижодий меҳнати ва маҳорати билан. ўз асарлари билан катта қувонч, эстетик малоҳат бахш этмоқдалар, совет кишиларининг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришга ёрдам бермоқдалар, уларнинг саҳат-саломатлиги ва дам олиши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Бизнинг зиёлиларимиз халқ билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг ғоялари ва манфаатларига садоқат билан хизмат қилмоқдалар.

Съездимиз делегатлари орасида 343 партия ходими, шу жумладан область, шаҳар ва район партия комитетларининг 207 секретари бор. Буларнинг кўпчилиги ўзининг меҳнат фаолиятини ишчи ва колхозчи бўлиб ишлашдан бошлаган кишилардир. Булар тажрибали, обрўли ташкилотчилар, партия сиёсатини активлик билан амалга оширувчи кишилар, масъулият ва партиявий бурчни жуда яхши ҳис этган ҳамда кенг халқ оммасининг қўллаб-қувватлаши ва ишончига сазовор бўлган коммунистлардир.

Совет ходимларидан 214 киши, касаба союз ва комсомол ходимларидан 34 киши съездимизга делегат қилиб сайланган. Улар экономика ва маданиятни ривожлантиришга актив таъсир ўтказмоқдалар, омма орасида маҳорат билан иш олиб бормоқдалар, омманинг ғайрат-шижоатини республика экономикаси ва маданиятини юксалтиришга сафарбар этмоқдалар.

Делегатлар орасида Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи партия ташкилотлари ҳисобида турган коммунистлар бор. Бу факт халқнинг ўз армияси билан бирлигини исбот этувчи яна бир далил бўлиб, уларнинг манфаатлари ва мақсадлари муштарак эканлигини ифода қилади. Армия коммунистлари Ватан олдидаги ҳарбий бурчларини бажаришда намуна кўрсатмоқдалар, қўшинларнинг шахсий состави орасида, барча меҳнаткашлар орасида катта иззат-ҳурматга сазовор бўлдилар.

Мандат комиссияси зўр ифтихор билан қуйидагиларни маълум қилади: съездимиз ишида донги кетган жангчилар билан бир қаторда собиқ фронтчилар ҳам қатнашмоқдалар. Делегатлар орасида Улуғ Ватан урушининг актив қатнашчиларидан 171 киши бор. Улар қўлга қурол олиб, Ватанимиз озодлиги, шон-шарафи ва мустақиллиги учун жонларини аямай қаҳрамонларча жанг қилдилар, ғалабадан кейин эса ҳарбий кийимларини ечишга улугармасданоқ меҳнат фронтининг жангчилари бўлиб қолдилар, уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини тикладилар. Улар ҳозирги вақтда ҳам хўжалик ва ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида баланд руҳ ва кучли ирода билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг кўксида жанговар орденлар билан бир қаторда меҳнатдаги жасоратлари учун берилган орден ва медаллар ҳам порлаб турганлиги жуда қувончли бир ҳолдир. Жанг учун берилган медаль ва меҳнат учун олинган медаль айни бир хил металлдан қуйилган, деб айтилганлиги бежиз эмас.

Мандат комиссияси 1387 делегат ёки делегатларнинг 90 процентидан кўпи ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлигини зўр ҳурсандчилик билан маълум қилади. Булардан 81 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 265 киши Ленин ордени кавалерларидир.

Булар турли авлодларга мансуб кишилардир. Мукофотланганлар орасида тўқизинчи беш йиллик зарбдорлари оз эмас. Улар ички резерврларни зўр ғайрат билан қидириб топдилар, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун курашдилар, меҳнатда жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Шу залда беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган ва уларнинг энг яхшилари икки беш йиллик планни бажарганликлари тўғрисида рапорт берган ажойиб илғорлар ўтирибди.

Тўқкизинчи беш йиллик эстафетани ўнинчи беш йилликка топширди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган кўп делегатлар ўзларининг биринчи меҳнат рапортлари билан Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездига келишди. Москвага, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди номига янада салмоқли меҳнат рапортлари юборилади.

Ўртоқлар! Ҳотин-қизлардан 527 киши съездимизга делегат қилиб сайланди. Булар барча делегатларнинг 34 процентини ташкил этади. Ўзбекистон Компартиясининг I съездида ҳотин-қизлардан 22 киши қатнашган эди. Ўша вақтда улар барча делегатларнинг атиги олти процентини ташкил этган эди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Компартияси сафларида юз мингдан ортиқ ёки аввалги съезд арафасидагига нисбатан 20 минг нафар кўп ҳотин-қиз бор. Ҳотин-қизларнинг съезд ишида фол қатнашаётганлиги уларнинг жамиятимиз ҳаётида, Ватан бахт-саодати йўлида қилинаётган меҳнатда актив роль ўйнаётганликларини ёрқин исбот этувчи яна бир далилдир.

Съезд делегатларининг ижтимоий-сиёсий активлиги юксак даражада эканлигини айтиб ўтиш керак. Делегатлардан 978 киши СССР, Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР Олий Советларининг ва маҳаллий Советларнинг депутатидир; 1150 делегат сайлаб қўйилган партия органларининг аъзосидир.

Съезд делегатларидан кўпи 45 йилдан кўпроқ партия стажига эга, 37 киши 1940 йилгача, 128 киши Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида, 906 киши 1946—1955 йилларда партия сафига кирган кишилар, 273 киши беш йилгача партия стажига эга бўлган ёш коммунистлардир.

30 ёшгача бўлган делегатлар 10,4 процентни, 31 ёшдан тортиб 40 ёшгача бўлганлар 29,6 процентни, 41 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар 38,0 процентни, 51 ёшдан 60 ёшгача бўлганлар 17,5 процентни ва 60 ёшдан катталар 4,4 процентни ташкил этади.

Съездда партия, революция ва гражданлар урушининг ветеранлари, дастлабки беш йилликларнинг зарбдорлари ва ёш коммунистлар қатнашаётганлиги зўр қувонч бахш этади. Бир томондан донолик, тажриба ва етукликнинг, иккинчи томондан жўшқин ғайрат, шижоат ва тиришқоқликнинг бирга қўшилиб кетганлиги авлодларнинг давомийлигини, уларнинг коммунизм ғояларига, Ленин партиясининг ишига садоқатини кўрсатиб турибди.

Съездимиз ишида 23 миллатга мансуб бўлган коммунистлар қатнашмоқда. Бу эса партиямиз ленинча миллий сиёсатининг тантанасини, барча қардош совет халқларининг бирлигини яққол акс эттиради. Ўниничи беш йиллик республикамиздаги барча миллат ва элатлар учун бирхил бўлган социалистик ҳаёт тарзини янада ривожлантириш даври бўлади.

Хуллас ўртоқлар, съездимизнинг делегатлари ҳақиқатдан ҳам КПССнинг буюк ва жанговар отрядларидан бири бўлмиш Ўзбекистон Коммунистик партиясининг муносиб вакилларидир. Съезд қатнашчилари келажакка интилиш каби чуқур ва қувончли туйғулар билан тўлиб-тошганлигини, КПСС XXV съезди илгари сурадиган янги, улуғвор вазифаларни амалга оширишга ахду паймон қилганлигини таъкидлаб ўтиш ёқимлидир.

Мандат комиссияси ўз докладини сизларнинг муҳокамангизга тақдим этади ва бу докладни тасдиқлашингизни илтимос қилади. (Қарсаклар).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIX СЪЕЗДИ

Ўртоқ М. М. МУСАХОНОВ нутқи

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари

Съездлар ўртасидаги йиллар — Ўзбекистон партия ташкилоти тарихидаги янги, ёрқин ва қаҳрамонона саҳифа бўлди. Тошкент области коммунистлари учун бу йиллар зўр ғайрат билан ижодий меҳнат қилинган, идеология ва ташкилий-партиявий иш кучайтирилган давр бўлди. Область партия ташкилоти Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездига янада кўпроқ жипслашиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиб келганлигини мамнуният билан маълум қиламиз.

Ҳисобот даврида экономика, фан ва маданиятнинг ҳамма тармоқларини ривожлантириш, моддий фаровонлигини ошириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш соҳасида катта иш қилинди.

Область саноати дуруст муваффақиятларга эришди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 53 процент ортиб, директива топшириқларидан 4,6 процент юқори бўлди. Меҳнат унумдорлиги 33 процент ошди. Беш йиллик пландан ташқари 580 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди.

Тўққизинчи беш йиллик даврида областда 54 та саноат объекти ишга туширилди. Улар орасида Олмалиқ химия заводи, Тошкент ГРЭСи, Чорвоқ гидроузели, Оҳангарон сув омбори бор.

Ўтган беш йилликда область қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳамма турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планини ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли уддалади. Тўққизинчи беш йилликда саккизинчи беш йилликка нисбатан пахта етиштириш 363 минг тонна кўпайди. Бунга нуқул ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Чорва маҳсулдорлиги 30 процентдан знёд кўпайди. Дон, маккажўхори, шоли, мева, жун ва қоракўл, сабзавот, картошка анча кўпроқ етиштирила бошлади.

Оммавий социалистик мусобақа муваффақиятларимизнинг энг муҳим манбаидир. Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган курашда 700 минг киши қатнашди. Уларнинг деярли ҳаммаси ўз мажбуриятларини уддалади.

Ўзбекистон Компартиясининг XVIII ва XIX съездлари ўртасидаги даврда республика меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар — партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик-сиёсий иши юқори даражага кўтарилганлигининг, улар турмушнинг ҳамма соҳаларига кучлироқ таъсир ўтказа бошлаганлигининг, коммунистик қурилишнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишда уларнинг роли ошганлигининг натижасидир. Биз партия раҳбарлиги принципларини тушиниш ва амалга ошириш маҳоратини КПСС Марказий Комитетидан, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан ва Леонид Ильич Брежневдан ўрганиб келдик ва ўрганмоқдамиз.

Тошкент областининг коммунистлари ўзларининг кундалик ишларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва унинг Бюроси эътиборини ҳамда кўп қиррали ташкилотчилик ишини доимо сезиб турди. Биз тўла асос ва зўр мамнуният билан шуни айта оламизки, Марказий Комитетнинг ва Марказий Комитет Бюросининг бутун фаолияти партиямизнинг бош йўлига, замонамизнинг юксак талабларига мувофиқ келади.

Ҳисобот даврида бизнинг партия ташкилотимиз ишида хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этишда партиявий таъсир кучайтирилди. Идеология ишининг янги-янги формалари вужудга келди. КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқиши ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарори ғоявий-тарбиявий ишни амалга оширишда муҳим дастурил амал бўлди.

Съездлар ўртасидаги даврда партия ҳужжатлари алмаштирилганлиги ички партия ҳаётида муҳим ўрин олди. Бу жуда муҳим тадбир партия ташкилотимизнинг жанговарлик қобилиятини оширишга, коммунистлар активлиги ва масъулиятини кучайтиришга ёрдам берди. Партия йиғилишларининг роли ўсди, танқид ва ўз-ўзини танқид янада ўткирлашди.

Бошланғич партия ташкилотларининг активлигини ошириш масалалари доимо область партия комитетининг диққат марказида бўлди. Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва катта корхоналарнинг партия ташкилотларида мароқли тажриба тўпланди. Уларнинг баъзиларида, КПСС Уставига биноан, кенгайтирилган составдаги партия комитетлари муваффақиятли ишламоқда. Бизнинг назаримизда ўз сафларида 500 ва ундан кўпроқ коммунист бўлган ҳамма ташкилотларда ана шундай кенгайтирилган парткомлар тузиш масаласини ўрганиш лозим.

Қилинган ишларни таҳлил этганда биз ўз фаолиятимизда ҳали катта нуқсонлар борлигини пайқаб турибмиз. Биз шу нуқсонларни тугатиш чораларини кўраяпмиз.

Область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги лойиҳасини зўр эътибор ва чуқур манфаатдорлик туйғуси билан муҳокама қилмоқдалар. Йиғилишларда, активларда, партия конференцияларида мавжуд резервлардан фойдаланиш хусусида кўпгина қимматли таклифлар айтилди.

Тошкент областида ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Айниқса, рангли металлургия, кўмир саноати ва бинокорлик материаллари саноатини ривожлантириш учун жуда катта хомашё базасига эга бўлган Ангрен-Олмалиқ саноати комплекси фикримизнинг далилидир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори область меҳнатчиларининг ижодий активлиги ва ғайратини жўш урдириб юборди. Шу қарорга жавобан Тошкент область саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 1976 йил учун юксак мажбуриятлар қабул қилишди. Бу мажбуриятларни бажариш учун фидокорлик билан кўп ишлашга тўғри келади.

Биз партиянинг тарихий XXV съездини кутиб олар эканмиз, унинг қарорлари бунёдкорлик ишида бизга янги куч бахш этишига ишончимиз комилдир.

Тошкент областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди ва КПССнинг XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч ва ғайратларини ишга соладилар, мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонтиришга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯ XXV СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

Ўртоқлар! Биз жуда катта тарихий воқеа — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездига кун сайин яқинлашмоқдамиз. Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳасини атрофлича, ишчанлик билан муҳокама қилаётган пайтда СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва жипслиги яна янги куч билан намоён бўлмоқда. Мамлакат экономикасини янада юксалтиришнинг ҳамда меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондиришнинг улуғвор истиқболларини очиб берадиган бу программ ҳужжат ҳар бир совет кишисида юксак ватанпарварлик ҳиссиётуйғуларини жўш урдирмоқда. Совет кишилари қудратли социалистик Ватанимиз билан қонуний фахрланиб, халқ бахт-саодати йўлидаги олиб бораётган кундалик, чиндан ҳам буюк ишлари учун Коммунистик партияга, унинг жанговар штаби бўлган Марказий Комитетга, Сиёсий бюрога ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга астойдил миннатдорчиликларини изҳор этмоқдалар.

1971—1975 йилларда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг баъзи якунлари

Барча Совет республикалари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, олга томон катта қадам қўйдилар. Халқлар дўстлигининг бунёдкорлик кучи мамлакатнинг ягона меҳнат маромида ғоят ёрқин намоён бўлди. Бу — партия ленинча миллий сиёсати тантанасининг тағин бир яққол далилидир.

Республикамиз ҳам тўқкизинчи беш йилликда катта-катта ютуқларга эришди. Ялпи ижтимоий маҳсулот 42 процент кўпайди. Миллий даромад 1,4 баравар ортди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми КПСС XXIV съезди Директиваларида кўзда тутилган 46-49 процент ўрнига 51 процент ўсди.

Халқ хўжалигида техника тараққиётини белгиловчи саноат тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланди. Электр энергияси ишлаб чиқариш 83 процент кўпайди. Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ структураси яхшиланди, унинг самарадорлиги ортди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қўлга киритилган муваффақиятлар ҳам кишини қувонтиради. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг бир йиллик ўртача ҳажми 28 процент кўпайди. Пахтакорларимиз алоҳида ибрат кўрсатдилар. Улар кейинги йилларда ғоят мушкул об-ҳаво шароитларида, сув танқислигига қарамасдан юксак уюшқоқлик, меҳнатсеварлик ва миришкорлик билан иш тутдилар. Ўтган беш йилликда бир йилда ўртача пахта етиштириш саккизинчи беш йиллиқдагига нисбатан кўпайиб 4,9 миллион тоннани ташкил этди. Галла, айниқса шоли ва маккажўхори, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, мева, узум, гўшт, сут, тухум, пилла етиштириш кўпайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларини тайёрлаш беш йиллик плани ортиғи билан бажарилди.

Капитал қурилиш мисли кўрилмаган миқёсда олиб борилди. Капитал маблағ сарфлашнинг умумий ҳажми қарийб 19 миллиард сўмни ташкил этди. Ўтган беш йиллиқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, капитал маблағнинг қарийб 40 проценти ишлаб турган фабрикалар билан заводларни қайта қуришга ва техника билан қайта қуроллантиришга сарфланди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун анчагина ишлар қилинди. 5 мингдан знёд механизациялаштирилган, поток ва автомат линиялар, комплекс механизациялаштирилган участкалар ва цехлар, ўн мингдаб ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқариш жорий этилди. Ўзбекистон олимлари бу ишга катта ҳисса қўшдилар. Иқтисодий-математика усуллари ва электрон-ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқаришни бошқаришда тобора кенгроқ қўлланилмоқда. Бошқаришнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш соҳасида муайян ишлар қилинди.

Ўтган беш йиллик совет кишиларининг ҳаётини яхшилашга доир йирик миқёсдаги ижтимоий вазифаларни ҳал этиш билан алоҳида ажралиб туради. Республикада аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 20 процент, ижтимоий истеъмол фондларидан тўловлар ва имтиёзлар 58 процент ўсди. Озиқ-овқат ва саноат молларини сотиш бир ярим баравар, маиший хизмат қилиш ҳажми эса 1,9 баравар кўпайди. Қишлоқлар ва шаҳарларда 25 миллион квадрат метр уй-жой, кўплаб мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, магазинлар, ошхоналар, ётоқхоналар, клублар, спорт иншоотлари қурилди. Улуг Ватан уруши инвалидларининг ҳамда ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг уй-жой—маиший ва коммунал шароитлари партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрликлари туфайли анча яхшиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати Тошкент шаҳар хўжалигини ривожлантиришнинг йирик проблемаларини мукаммал ҳал этиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Қорақалпоғистон пойтахти Нукус, барча область марказлари ва саноат шаҳарлари ўсди ва қиёфаси ўзгарди. Аҳоли яшайдиган пунктларни обод қилиш ҳамда ана шу жойларда коммунал хўжалигини ривожлантириш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

1976—1980 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг ривожланиши

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига тақдим этган ҳамда съездимизда муҳокама қилинаётган лойиҳасида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг юксак марралари белгиланган. Бу тарихий ҳужжатда ўнинчи беш йиллиқнинг асосий иқтисодий вазифаси — Коммунистик партиянинг халқ турмушинг моддий ва маданий даражасини юксалтиришга қаратилган йўлини ижтимоий ишлаб чиқаришни муттасил ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш асосида изчиллик билан амалга оширишдан иборат деб таъкидлаб ўтилган.

1976 — 1980 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этилаётган асосий йўналишлари КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасига батамом мувофиқ равишда ишлаб чиқилгандир.

Ўзбекистон жуда бой табиий— иқтисодий ресурсларга эгадир. Унинг территориясида жуда кўп миқдорда қазилма бойликлар, кўпдан-кўп қимматли хом ашё манбалари бор.

Меҳнат ресурслари ҳам тез ўсмоқда. Ўзбекистон ССРнинг аҳолиси янги беш йиллик мобайнида 2 миллион кишига кўпайиб, 16 миллионга етади, меҳнат ресурслари эса 22 процентдан ҳам знёд ортади. Бу халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантириш имконини беради.

Ўнинчи беш йилликда республика қандай асосий марраларни эгаллаши керак?

Ялпи ижтимоий маҳсулот 34 процент ўсади ва қарийб 35 миллиард сўмни ташкил этади. Миллий даромаднинг ҳажми 32,6 процент кўпаяди. Республика халқ хўжалигини ривожлантиришга 22 миллиард сўмдан знёд капитал маблағ ажратилади. Бу еттинчи ва саккизинчи беш йилликни кўпиб ҳисоблаганда кўпдир. Республикада ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида кенг программани амалга ошириш мўжалланади.

Саноатнинг ривожланиши

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида кўрсатиб ўтилганидек, саноатнинг асосий вазифаси халқ хўжалигининг ва аҳолининг юқори сифатли маҳсулотга бўлган талабини тўлароқ қондиришдан, ҳамма тармоқларда техника билан қайта қуроллашнини ва ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни таъминлашдан иборатдир.

Ана шунга биноан ўнинчи беш йилликда республика саноат ишлаб чиқаришини 35-39 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни («А» группаси) 33-37 процент, истеъмол буюмлари («Б» группаси) ишлаб чиқаришни 42-46 процент ўстиришни таъминлаш кўзда тутилади. Бунда фан техника тараққиётини ҳамда халқ хўжалиги барча тармоқларининг муваффақиятли ривожланишини белгилаб берадиган тармоқларни ривожлантиришнинг жадал суръатлари сақлаб қолинади.

Саноатнинг тармоқ структурасида жиддий силжишлар содир бўлади. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида электр энергетикаси, химия саноати, машинасозлик ва металл ишлаш, бинокорлик материаллари саноатининг салмоғи анча ортади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг улуши ҳам кўпаяди.

Электр энергетикаси юксак суръатлар билан ривожланади. Беш йиллик мобайнида электр энергияси ҳосил қилиш 1,5 баравар кўпайиб, 1980 йилда 41 миллиард киловатт соатни ташкил этади.

Халқ хўжалигининг электр энергиясига бўлган ва ўсиб бораётган талабларини таъминлаш ҳамда энергетика қувватларининг етишмаслигига барҳам бериш учун янги катта-катта иссиқлик электр станцияларини кенгайтириш ва қуриш мўлжалланмоқда. 1976—1980 йилларда Сирдарё ГРЭСида 1,2 миллион киловатт, Навоий ГРЭСида 420 минг киловатт, Фарғона ТЭЦида 200 минг киловатт, Хўжакент ГЭСида 165 минг киловатт янги қувватларни ишга туширишни кўзда тутилмоқда. Иккинчи: Ангрен ГРЭСини қуришга киришилади. Ғегар—Ғузор, Ғузор—Сирдарё ГРЭСи, Ғузор — Қарши ва Қоракўл — Ғузор юқори вольтли электр узатиш линиялари қурилишини жадаллаштириш зарур. Бу Қарши магистрал канали насос станцияларини электр энергияси билан нормал таъминлаш ҳамда Сурхондарё областини бирлашган энергетика системасига туташтириш имконини беради.

Ёқилғи саноатини ривожлантириш ҳамда ёқилғи баланси структурасини такомиллаштириш учун бир қанча муҳим проблемаларни ҳал этиш керак. Беш йиллик мобайнида кўмир қазиб чиқариш 6 миллион тоннага, газ ишлаб чиқариш 37-41 миллион куб метрга етказилиши керак. Ўзбекистоннинг газга бўлган эҳтиёжи 1980 йилда 22-23 миллиард куб метрни ташкил этади. Шу муносабат билан Муборакдаги газни қайта ишлайдиган заводнинг қувватини тез вақт ичида 15 миллиард куб метрга етказиш ва 5 миллиард куб метр қувватли янги Камдин заводини қуриш, йилига 32-35 миллиард куб метр газ етказиб берадиган Тошкент магистрал газ қувури линиясини кенгайтириш керак.

Қора металлургия соҳасида 1 миллион тоннадан кўпроқ пўлат ва прокат ишлаб чиқариш юзасидан қўшимча қувватларни барпо этиш кўзда тутилади. Ўзбекистон металлургия заводида ана шу мақсадларда темир-терсакларни қайта ишлаш бир йил мобайнида 700 минг тоннага етказилади. Бухоро ва Самарқандда ҳар биттасининг қуввати 50 минг тонна темир-терсакни қайта ишлайдиган цехлар ишга туширилади, Тошкент «Вторчермет» заводи қурилиши тугалланади.

Рангли металлургия янада ривожланади. Рангли металларнинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштириш, янги олтин, қўрғошин ва рух конларини ўзлаштириш ҳисобига ана шу тармоқ ишлаб чиқаришининг асосий ўсишига эришиш мўлжалланмоқда.

Янги олтин фабрикалари ва конлари барпо этилади. «Ўзбекзолото» комбинатида олтин ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади. Жиззах областида Учқулоқ қўрғошин — рух кони, Сурхондарё областида Хонжиза қон-бойитиш корхонасини қуриш зарур бўлиб қолди. Олмалиқ кон—металлургия комбинатида мис, рух, олтингугурт кислотаси, кадмий ва бошқа йўлдош элементларни ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Ўзбекистон қийин эриди диган ва ўтга чидамли металлар комбинатида йирик габаритли молибден ва вольфрам прокати ишлаб чиқарадиган қувватларни ишга туширишни мўлжалланади.

Химия ва нефть химияси саноатида Олмалиқ химия, Самарқанд суперфосфат заводларини кенгайтириш ва янги Қўқон химия заводини қуриш ҳисобига мураккаб концентрат ўғитлари ишлаб чиқарадиган қувватларни кучайтириш давом эттирилади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, каустик сода ва хлор ишлаб чиқарадиган Навоий электр химия комбинатини ишга тушириш, аммиак, кучсиз азот кислотаси ва аммиак селитраси ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этиш йўли билан Чирчиқ электр химия комбинатини техникавий қайта қуроллантириш, Тошкент лак-бўёқ заводи ишлаб чиқаришини икки ҳисса кўпайтириш, «Навои азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида «Нитрон» толаси ишлаб чиқарадиган комплекс иккинчи навбатини ҳамда катализаторлар қурилишини поёнига етказиш мўлжалланади.

Химия саноати министрвигига қарашли корхоналар ялпи химия маҳсулоти ишлаб чиқаришни 1980 йилда бир миллиард сўмгача, шу жумладан, минерал ўғит ишлаб чиқаришни 8,8 миллион тоннага етказиши зарур.

Геологлар — ер ости конлари қидирувчиларининг кўп минг кишилик армияси ўнинчи беш йилликда астойдил меҳнат қилишлари керак бўлади. Улар ўз фаолиятлари доирасини анча кенгайтиришлари ва Ўзбекистоннинг янги-янги қимматли хом ашё ресурсларини қидириб топишлари лозим.

Машинасозлик халқ хўжалигини техникавий қайта қуроллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди, унинг ишлаб чиқариш ҳажми беш йиллик мобайнида 1,6 баравар кўпаяди, машинасозлар янги-янги машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари, янги технология жараёнларини жорий этишлари, машиналарнинг самарадорлиги ва сифатини оширишлари керак.

Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш 1,4 баравар, шу жумладан пахта терадиган машиналарни ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилади. «МТЗ-80Х» маркали тракторларни ишлаб чиқариш, ингичка толали пахтани ярулаб терадиган машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Жиззах ва Андижон областларида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари қуриш кўзда тутилади.

Юқори сифатли калава қиладиган юксак унумли тўқиш, йигириш, пилталаш машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Пахта тозалаш саноатини юқори сифатли тола ишлаб чиқариш учун серунум поток линиялар билан таъминлаш лозим.

Электротехника саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришни 1,6 баравар кўпайтириш мўлжалланади. Кучланиш трансформаторлари, паст вольтли аппаратлар, электр ремонт заводлари қурилади, электр техника корхоналарининг ҳаммасини қайта қуриш давом эттирилади.

Республикада халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш беш йил ичида 42,4 процент кўпайиб ўсиш суръати мамлакат бўйича ўсиш суръатидан анча жадал бўлади. Ана шу маҳсулотни 1975 йилда 1227 корхонадан фақат 737 таси ишлаб чиқарган бўлса, ўнинчи беш йиллиқ мобайнида Ўзбекистондаги завод ва фабрикаларнинг деярли ҳаммаси халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиради.

Енгил саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 45,1 процент, шу жумладан ички ва устки трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш бир ярим баравар, чинни-фаянс идиш ишлаб чиқариш 1,8 баравар кўпайтирилади. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш йўли билан ҳам, шунингдек Хивада гилам тўқиш комбинатини, Жиззахда ип йигириш ва рўмол тўқиш фабрикаларини, Попда тўқилмайдиган материаллар фабрикасини, бир қанча пиллакашлик, шойи, тикувчилик, пойафзал фабрикалари ва бошқа корхоналарни қуриш йўли билан ҳам кўпайтириш планлаштирилмоқда. Андижон ва Нукусда янги йирик ип газлама комбинатлари қурила бошлайди.

Мебель саноати буюмлар ишлаб чиқаришни 1,5 баравар кўпайтиради. Бунга Олмалиқ мебель фабрикасини, Тошкент мебель комбинати ва «Шарқ» фирмасини кенгайтириш, шунингдек ишлаб турган корхоналарни техникавий қайта қуроллантириш ҳисобига эришилади. Лекин чиқарилаётган мебеллар сифатини яхшилаш ана шу тармоқ ходимларининг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Маҳаллий саноат кўплаб талаб қилинадиган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун анчагина иш қила олади ва қилиши керак. Маҳаллий саноат маҳсулоти қарийб икки баравар кўпаяди. Шу мақсадда Тошкентда ошхона мебеллари заводини, Шаҳрихонда шойи тўқиш фабрикасини ишга туширишни, Нукусда ўтов-намат комбинатини ва бошқа корхоналарни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни эса замонавий юқори унумли ускуналар билан жиҳозлаш мўлжалланади.

Саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари ялпи маҳсулоти 34—38 процент ўсади. Сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 1,6 баравар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари — 1,2—1,3 баравар, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 баравар ортади. Гулистонда, Косонда, Ургенчда йирик ёғ экстракция заводларини, Самарқандда гўшт комбинати, Маргилонда кондитер фабрикасини, бир қанча сут, консерва ва нон заводларини, шунингдек бошқа корхоналарни қуриш мўлжалланади.

Қорақалпоғистон АССРда кўлда ва ҳовузларда балиқ боқиш янада ривожланади ва Ўзбекистоннинг барча областларида ҳам ана шундай балиқчилик ривож топади. Беш йилликнинг охирига келиб балиқ овлаш икки баравар кўпаяди ва бир йилда 20 минг тоннага етади.

Тегирмон-ёрма омихта ем ва элеватор саноатини янада ривожлантириш мўлжалланади. Сортли ун ишлаб чиқариш кўпайтирилади ва 1980 йилда қарийб 1,6 миллион тоннага етказилади. омихта ем ишлаб чиқариш эса 1,5 баравар кўпаяди.

Пахта тозалаш саноати ходимларининг асосий вазифаси пахтадан тола ажратиб олишни кўпайтиришдан, тайёрланган пахта хом ашёсининг табиий хусусиятларини ҳамда ишлаб чиқариладиган бутун маҳсулотнинг юқори сифатини сақлаб қолишни таъминлашдан иборатдир. Ана шу энг катта тармоқнинг юксак суръатлар билан ривож топиши учун 25 та янги пахта заводи қуриш, тайёрлов пунктларининг тармоқларини ва қуритиш — тозалаш цехларини кенгайтириш керак.

Бинокорлик материаллари саноатини янада ривожлантириш капитал маблағлардан самарали фойдаланиш учун катта аҳамиятга эгадир. Кейинги йилларда бу тармоқнинг маҳсулоти анча кўпайди. Лекин республикада бир қанча қурилиш материаллари, хусусан — оҳак, гишт, минераловат плита лар камчилиги ҳамон тугатилмаган.

Бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш ҳажми ўнинчи беш йилликда 42—46 процент кўпайиши зарур. Ана шу тармоқ учун ажратилаётган капитал маблағлар даставвал маҳаллий қурилиш материалларининг танқислигини қоплашга, янги самарали, сифати яхшиланган қурилиш конструкциялари ва элементларини, қурилиш материалларининг ҳажми ва баҳосини камайтиришни таъминлайдиган бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга сарфланиши керак.

Республика халқ хўжалигини қурилиш материаллари билан янада тўлароқ таъминлаш мақсадларида Узглавеспром йўли билан анчагина катта ҳажмдаги ишларни бажаришга тўғри келади. Қурилиши бошланган ўрмон саноат хўжаликларини поёнига етказиш, бир йил мобайнида қарийб бир ярим миллион кубметр ёғоч — тахта етказиб бериш қувватига эга бўлган янги ўрмон саноат хўжаликларини барпо этиш, ёғоч хом ашёсини жойида комплекс қайта ишлайдиган базаларни мустаҳкамлаш керак.

Транспорт ва алоқа

Республика олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг муваффақияти анчагина даражада транспорт ва алоқанинг ишига ҳам боғлиқдир. Янги беш йилликда бу тармоқлар янада ривож топади.

Янги темирйўл магистраллари ва автомобиль йўллари ишга туширилади, умумий фойдаланишдаги автотранспортнинг юк оборотн бир ярим баравар ортади, автомобиль парклари янги машиналар билан тўлдирилади. Ҳаво транспорти анча олга қадам қўяди. Кўпгина шаҳарларда янги аэровокзаллар, аэропортлар қурилади ва ишлаб турган аэропортлар реконструкция қилинади. Тошкентда янги аэровокзал ишга туширилади. Транспорт ходимлари моддий техника ва ремонт базасини мустаҳкамлаш соҳасида жиддий вазифаларни ҳал этишлари, транспортда юк ташишнинг юксак самарадорлигига ва пассажирларга хизмат қилишнинг юқори маданиятига эришишлари керак.

Алоқа воситаларидан фойдаланишни яхшилаш ва янада ривожлантириш борасида анчагина ишларни қилиш мўлжалланади. Шаҳар автомат телефон станцияларининг қуввати бир ярим баравардан ҳам кўпроқ ортади. Барча область марказларида шаҳарлараро автомат телефон станцияларининг ишлаши зарур. Мўлжалланган ишлар муваффақиятли тугалланиши билан шу йилнинг ўзидаёқ республиканинг барча область марказларида рангли телевиденне тасвирини қабул қилиш имконияти туғилади.

Ўртоқлар, кўриб турибсизки, республикамиз олдида ўнинчи беш йилликда саноатни, транспортни ва алоқани янада ривожлантириш юзасидан катта вазифалар турибди. Ана шу режаларни амалга ошириш барча тармоқларда, ҳар бир коллективда мавжуд бўлган резервлардан янада тўлароқ фойдаланишни тақозо этади.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIX СЪЕЗДИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯ XXV СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

(Боши 3-бетда).

Масалан, Ўзбекистон ССР-да тўққизинчи беш йиллик мобайнида асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,8 баравар кўпайди. Лекин бу ишлаб чиқариш базаси, хусусан янги қурилган корхоналар ҳали тўла қувват билан ишга тушганича йўқ. Биргина ана шу резерв ҳисобига бир йил мобайнида қўшимча равишда ярим миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот олиш мумкин.

Биз асосий фондлардан моҳирлик билан фойдаланиш намуналарини кўрсатадиган анчагина мисолларни келтиришимиз мумкин. Мисол учун яқинда ишга туширилган Самарқанд лифтсозлик заводи лойиҳадаги қувватга муддатидан илгари эришди ва ундан ҳам ўзиб кетди. Бу корхонанинг маҳсулоти эндиликда Давлат сифат белгисини олишга сазовор бўлди. Қўқон ип йигирув ва пайпоқ тўқув комбинати, Фарғона тўқимачилик комбинатининг тўқувчилик корхонаси, Тошкентдаги 3-тикувчилик фабрикаси ва Бухородаги «ВЛКСМ 20 йиллиги» тикувчилик фабрикасининг ишчилари лойиҳа топшириқлари даражасида ишламоқдалар.

Шу билан бирга бир қанча корхоналарда қувватлардан тўла фойдаланилмаётганини ҳам айтиб ўтиш керак. Кўпгина корхоналарда, айниқса, машинасозлик ва металл ишлаш корхоналарида смена коэффициенти паст, ускуналарнинг пландан ортиқча бекор туриши оқибатида халқ хўжалиги катта зарар кўрмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида иқтисодий тежашни кучайтириш зарурлиги, хом ашё ва материаллари, электр энергиясини, ёқилғини, металлни авайлаб сарфлаш зарурлиги, хуллас ҳамма ишда ва ҳамма жойда тежамкорликни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Олмалиқ кон металлургия комбинатида ва Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида бу соҳада анчагина иш қилинди. Ана шу корхоналар ўтган йили 12 миллион киловатт-соат электр энергияни тежаб қолдилар. Лекин электр энергияси, металл, ёғоч материаллари, ёқилғи ва бошқа ресурслар белгиланган нормадан бирмунча кўп сарф қилинаётганлигини кўрсатувчи хўжасизлик фактлари анчагина топилади.

Маҳаллий хом ашёдан, иккиламчи материаллардан фойдаланиш масалаларига алоҳида диққат-эътибор беришни талаб қилади. Республика ёғоч материаллари умумий фондининг, масалан бешдан бир қисмини ёғоч чиқиндилар ташкил этади. Лекин «Узглавлеспром» ва мебель саноати бошқармасига қарашли корхоналарда ана шу имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Шойи тўқиш ва пиллакашлик корхоналари, кўн ва пойафзал корхоналари ҳам худди шундай резервларга эгадир.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларидан биридир. Республика саноати ўтган беш йиллик мобайнида 800 дан зиёд янги турдаги машина ва приборларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Қарийб 600 буюмга сифат белгиси қўйиб чиқарилмоқда.

Лекин бу соҳада ҳам хали жуда кўп резервлар бор. Мана, ана шу резервларни кўрсатувчи айрим маълумотлар. Беш йил ичида савдога чиқарилган молларнинг сифати қониқарсиз бўлганлиги оқибатида уларнинг нархи 240 миллион сўм баравари да арзонлаштирилди. Шу билан бирга 1975 йилнинг охирида савдо ташкилотларининг омборларида ва магазинларида қарийб 250 миллион сўмлик нормативдан ортиқча моллар запаси тўпланиб қолган.

Ҳар бир корхона, министрлик ва идора хўжалик фаолиятининг барча бўғинларида иш сифатини кескин даражада яхшилаш имкониятини берадиган тадбирлар комплексини тузиши ва амалга ошириши зарур.

Хўжалик фаолиятининг натижалари, унинг самарадорлик даражаси фондлардан қанча самара олинаётганлигини белгилайдиган кўрсаткичларда ўзининг бутун ифодасини топади. Министрликлар ва идоралар кор хоналарининг ишини иқтисодий анализ қилиш билан чуқур шуғулланишлари ҳамда асосий фондлардан фойдаланилмаётганлигининг сабабларини тугатишлари, асосий фонд самарадорлигини оширадиган зарур чораларни кўришлари керак.

Меҳнат унумдорлигини сўзсиз ошириш ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг энг муҳим шарти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Лекин бир қанча тармоқларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши белгиланган топшириқлардан ҳамон орқада қолмоқда. Саноатда умуман олганда меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 54 процентигагина эришилди. Газ, нефть қазиш, мебель ва саноатнинг бошқа тармоқларида меҳнат унумдорлиги ҳатто 1970 йил даражасидан ҳам кам бўлди.

Янги беш йиллик фан-техника тараққиётини ҳар тарафлама жадаллаштиришни ва ана шу асосда меҳнат унумдорлигини ўстиришни, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш учун барча имкониятлар ва резервлардан фойдаланишни, маҳсулот сифатини яхшилашни ва халқ фаровонлигини янада оширишни талаб этади. Республика партия, совет, хўжалик органларининг, касаба союзлари ва комсомолнинг, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайрати ана шунга қаратилиши керак.

Капитал қурилиш

Республикамиз иқтисодий потенциалини янада ўстиришда капитал қурилиш алоҳида ўрин тутади.

Беш йиллик ичида капитал маблағ сарфлашнинг умумий ҳажми 22 миллиард сўмдан ортиб кетади. Енгил саноатга капитал маблағ сарфлаш 1,5 баравар, озиқ-овқат саноатига — 25 процент, қишлоқ хўжалигига — 25,8 процент, уй-жой қурилишига — 10 процент, маориф ва маданиятни ривожлантиришга — 33,1 процент, аҳолига маиший хизмат кўрсатишга — 32,7 процент кўпаяди.

Уй-жой ва коммунал қурилишини интенсивлаштириш, мактаб ва мактабгача муассасалар шохобчаларини, транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш, маданият, фан ва ўқув юртлари объектларини қуриш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Ҳозир қурилишда 600 дан зиёд бригада хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда. Бу бригадаларнинг кўпчилиги коммунистик меҳнат коллективи деган фахрий номга сазовор бўлди. Юзлаб бригадалар Николай Злобин усулида ишламоқда. Илғор қурилиш ташкилотларининг тажрибаларини, бинокорликдаги илғор усулларни кенг оммалаштириш керак.

Комплекс механизациялаш, иш вақтининг бекор кетишини тугатиш, механизмларнинг, транспорт воситаларининг бекор тўхтаб қолишига йўл қўймаслик, юк ортиш ва туширишни ҳамда пардозлаш ишларини механизациялаштиришни кучайтириш беш йил ичида қурилишда меҳнат унумдорлигининг 29—32 процент ўсишини таъминлаши зарур.

Қурилишда бракка қарши, бинокорлик ишларининг юксак сифати, материалларни авайлаб ва тежаб-тергаб сарфлаш учун курашни асосий бўғин деб билиш керак. Дарёларнинг сувидан, ер ости сизот сувларидан ва коллектор-зовурларнинг сувидан мавжуд оқар сувлар билан қўшиб туриб комплекс фойдаланиш схемаларини ҳар бир жой учун алоҳида-алоҳида тузиб чиқиш, тоғ кўлларидаги сув запасларидан фойдаланиш имкониятларини белгилаш соҳасида лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқот ишларини режали амалга ошириш зарур.

Ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигига 90 мингдан кўпроқ трактор, 35 мингта юк автомобили, 4400 та галла комбайни, 4800 та экскаватор ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берилади. Республика колхозлари ва совхозларида меҳнатни энергия билан таъминлаш 1,2—1,3 баравар ортади. Тўққизинчи беш йилликдагидан 4 миллион тонна кўп, яъни 24 миллион тонна минерал ўғит етказиб берилади.

Пахта етиштиришни кўпайтириш аввалгидек республика деҳқонларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолади. 1980 йилда Ўмумиттифоқ планида кўзда тутилган тўққиз миллион тонна пахтанинг 5,8 миллион тоннаси Ўзбекистоннинг улушига тўғри келади. Ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахта етиштириш тахминан 690 минг тонна кўпайтирилади. Экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига эса 190 минг тонна пахта қўшилади. Ҳосилдорлик шу давр мобайнида 3.9 центнер ортади.

Янги беш йилликда чигит кенг қаторлаб экиладиган пахта майдони 1 миллион 250 минг гектарга етказилади, деярли ҳамма экин майдонида гербицидлар ишлатилади. Экин майдонларининг 70 проценти икки ярусли плуг билан ҳайдалади. Машинада пахта териш салмогини янада ошириб, 70 процентгача етказиш кўзда тутилади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси беш йил мобайнида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти йиллик ўртача ҳажмини 21—24 процент кўпайтириш имконини беради.

Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Сурхондарё областларининг ихтисослаштирилган совхозларида суғориладиган майдонларда шоликорликни янада ривожлантириш йўли билан гарантияланган дон етиштириш зоналарини вужудга келтиришга ўнинчи беш йилликда катта эътибор берилади.

Шолипоялар 35 минг гектар кенгайтирилади, унинг ҳосилдорлиги 10,6 центнер ортади. Ялпи шоли етиштириш 516 минг тоннага етказилади.

Хўжаликларнинг ҳаммаси дон етиштириш билан шуғулланади ва галла етиштириш ҳажми кўпайтирилади.

Сабзавот-полиз маҳсулотлари ва картошка етиштириш анча ортади. Шу экинлар экиладиган майдонлар 36 минг гектар кенгайтирилади. Маҳсулотнинг ялпи ҳосили 3 миллион 400 минг тоннага етади ёки 1,4 баравар кўпаяди.

Боғдорчилик ва узумчилик янада ривож топади. 1980 йилга борганда мева ва узум етиштиришни 1 миллион 147 минг тоннага етказиш ёки 1,3 баравар кўпайтириш планлаштирилмоқда. Пилла, тамаки ва каноп етиштириш кўпайтирилади.

Ўнинчи беш йилликда пахта-беда алмашлаб экишни **тўла-тўкис ўзлаштириш,** толаси юқори сифатли бўлган пахтанинг касалликларга чидамли, серҳосил навларини деҳқончиликка жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Хўжаликлараро кооперация ва давлат корхоналарини ташкил этиш негизида саноат типидаги ихтисослаштирилган чорвачилик хўжаликларини барпо этишнинг катта программаси амалга оширилади. Чорвачиликни сут етиштириш учун мол боқиш, зотдор ёш молларни сўқимга боқиш ва ўстириш, товар чўчқа ўғлити, тухум ва парранда ўғлити етиштириш йўли билан бундан буён концентрациялаш ва ихтисослаштириш мўлжалланмоқда.

Чорва туёғини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга катта аҳамият берилмоқда. 1980 йилда ўғлит етиштириш 564 минг тоннага, сут етиштириш 2 миллион 375 минг тоннага, тухум етиштириш 1,9 миллиард донага, жун етиштириш 27,3 минг тоннага, қора кўл тери етиштириш 2,6 миллион донага етказилади. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш ҳам анча кўпаяди.

Мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш, чорвачиликни ривожлантиришнинг жуда муҳим омилидир. Бунинг учун ем-хашак бўладиган экинлар ҳосилдорлигини ошириш, бедапоялар ва маккажўхорозларни кенгайтириш, оралиқ, аралаш ва такрор экинлар экиш учун суғориладиган ерлардан янада самарали фойдаланиш зарур.

Халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш

Катта бунёдкорлик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун экономикага раҳбарликни ҳар тарафлама кучайтириш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини бошқаришни янада такомиллаштириш лозим бўлади.

Социализм шароитида планлаштириш халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг асосий бўғини, юраги ҳисобланади. Партия планлаштиришни такомиллаштириш, унинг илмий даражасини ошириш тўғрисида доимо гамхўрлик қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида бу йўлдаги ишни давом эттириш зарурлиги яна бир карра уқтириб ўтилди.

Республика Госплани, ҳамма планлаштирувчи органлар бутун диққат-эътиборни халқ хўжалиги ривожини чуқур анализ қилишга, тармоқлараро пропорцияларни яхшилаш учун зарур ечимларни топишга, план лойиҳаларининг балансли бўлишига, ижтимоий ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг — қўшимча ресурслари ҳамда имкониятларни аниқлашга қаратишлари зарур.

Министрликлар ва идоралар раҳбарлари бошқарув аппарати фаолиятини ташкил этганда ўз тармоғи ишининг самарадорлигини ва шу тармоқ олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашни назарда тутишлари керак.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини материал-техника ресурслари билан узлуксиз таъминлаш учун таъминот органлари зиммасига юксак масъулият юклатилади.

Материал-техника таъминоти органлари республикага ажратиб берилган фондларнинг тўла-тўкис реализация қилинишига, материал ресурслари ўз вақтида ва комплекс етказиб берилишига эришишлари лозим. Иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлган бевосита хўжалик алоқаларини янада сабот билан, планли равишда ривожлантириш, улгуржи савдони кенгайтириш ва такомиллаштириш керак.

Молия органлари бюджетга тобора кўпроқ пул маблағлари тушиб туришини ва планларда белгиланган ишларни бажариш учун узлуксиз пул бериб туришини таъминлашлари лозим. Шундай шароитда давлат маблағлари белгиланган мақсадларга тежаб-тергаб сарфланиши устидан доимий контроллик қилиниши, шу маблағлардан янада самаралироқ фойдаланишга эришилиши муҳимдир.

Давлат кредити халқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантиришга жуда катта кўмак беради. Ўнинчи беш йилликда республика халқ хўжалигига давлат банки ўтган беш йилликдагига нисбатан 50—55 процент кўп маблағ беришини назарда тутиб бундан буён кредит муносабатларини янада ривожлантириш керак.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш учун умумхалқ кураши авж олган шароитда фойда ва рентабелликни кўпайтириш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Саноат маҳсулоти таннархи структурасида материаллар сарфи 80 процент ўрин олади. Материал сарфини ҳатто бир процент камайтиришга эришилса, шунинг ўзи халқ хўжалигига ҳар йили салкам 100 миллион сўмни тежаб беради.

Министрликлар ва идоралар фондларнинг самарадорлигини ошириш, материал сарфини ва маҳсулот таннархини камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, оборот маблағларининг айланишини тезлаштириш, рентабелликни ўстириш тадбирларини доимо амалга оширишлари керак.

Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини ошириш

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мувофиқ Ўзбекистон ССР аҳолисининг фаровонлигини ва маданий даражасини ошириш соҳасида катта-катта тадбирлар белгиланди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақини, колхозчиларнинг меҳнат ҳақини янада ошириш кўзда тутилган. Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар тахминан 1,5 баравар кўпайтирилиши халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим манбаи бўлади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 18 процент ортади.

Ишлаб турган аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини анча яхшилаш кўзда тутилади. Шу мақсадда чақалоғи 1 ёшга етгунча уни парвариш қилиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуск жорий этилади. Болали аёллар тўла бўлмаган иш куни ёки тўла бўлмаган иш ҳафтасида меҳнат қилишлари мумкин.

Аҳолига ип газлама, шойи, жун ва зиғир толасидан тўқилган газлама, маданий маиший моллар, рўзғор асбоблари ва бошқа истеъмол буюмлари сотиш анча кўпаяди. Чакана товар обороти 35 процент, маиший хизмат ҳажми 1,7 баравар кўпайтирилади, аҳолига хизмат қилиш маданияти оширилади.

Уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилади. Давлат капитал маблағи, уй қуриш кооперативлари маблағи ва якка тартибда уй қуриш ҳисобига беш йиллик мобайнида 27 миллион квадрат метрга яқин уй-жойни қуриб битказиш мўлжалланмоқда.

Коммунал хўжалик янада ривож топади. Ҳамма шаҳарлар, шаҳар типидаги поселкалар ва район марказларини водопровод суви билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Ишлаб турган канализация системаларини кенгайтириш билан бирга республикамиз бир қанча шаҳарларида янги системалар қуриш белгилаб қўйилди.

Иссиқлик ва иссиқ сув таъминотини марказлаштиришни ривожлантиришга катта маблағ сарфланади. Шаҳарлардаги уй-жой фондининг 85 проценти ва қишлоқлардаги уй-жой фондининг 55 проценти газ билан таъминланади.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида халқ маорифи системасини янада такомиллаштиришнинг муҳим аҳамияти таъкидлаб ўтилган. 1980 йилга бориб республикамиздаги умумий таълим мактабларида 3,7 миллион бола ўқийдиган бўлади. Кўпгина ёшлар ҳунар-техника таълими системасида ва бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида таълим оладилар. Ҳунар-техника билим юртларининг ўзи беш йиллик мобайнида 460 минг ёш ишчи тайёрлаб беради.

Олий ва ўрта махсус таълим янги поғонага кўтарилади. 1980 йилга борганда республика олий ўқув юртларида 228 минг, техникумларда ва ўрта махсус ўқув юртларида эса 213 минг киши таълим олади. Учта янги олий ўқув юрти ва 15 та техникум очиш, факультетларни кўпайтириш, ўқув юртларининг материал-техника базасини анча кенгайтириш ва мустаҳкамлаш белгиланди.

Соғлиқни сақлашни янада яхшилаш, даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ихтисослаштирилган медицина ёрдамининг ҳамма турларини ривожлантириш кўзда тутилган. Асосан каттакатта кўп профилли, шунингдек ихтисослаштирилган касалхоналар қурилиб, замонавий даволаш-диагностика ва асбоб-ускуналари билан таъминланади. 1980 йилга бориб касалхоналардаги ўринлар 157 мингтага етказилади. Спорт, физкультура, мудофаа ва оммавий иш янада ривож топади.

Маданият муассасалари тармоғи кенгайтирилади. 1980 йилга борганда катта аҳоли пунктларининг ҳамма-сида доимий клублар, кутубхоналар, киноўстановкалар ишлаб туради. Театрлар ва кинотеатрлар кўпаяди, китоб, газета ва журнал чиқариш ортади.

Фан соҳасида асосий кучгайратлар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришни ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришнинг салмоқли проблемаларини ишлаб чиқишга қаратилади.

Табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга муҳим аҳамият берилади. Инсон фаровонлигининг, ҳаёт фаолиятининг асосий манбаларидан бири бўлган табиатни муҳофаза қилиш билан чекланмасдан уни қайта тиклаш ҳам зарур. Ер, ўрмон ресурслари ва ер остидан рационал фойдаланиш соҳасида, шунингдек ҳаво, тупроқ ва сувни ифлосланишдан ҳимоя қилиш соҳасида зарур чоралар амалга оширилади.

Шу тадбирларнинг ҳаммасини амалга ошириш халқ моддий ва манавий турмуши даражасини янада ошириш ишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладида, съезд делегатларининг нутқларида халқ хўжалиги бир қанча тармоқларининг ҳамда уларга раҳбарлик қиладиган органларнинг ишидаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Республика Министрлар Совети, Госплани, министрликлари ва идоралари айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларда зарур хулосалар чиқариб оладилар, бошқарув ҳамма бўғинларидаги иш самарадорлиги ва сифатини оширишни таъминлаш учун барча чораларни кўрадилар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини муҳокама қилишда бир ярим миллиондан ортиқ киши қатнашди. 100 мингдан кўпроқ киши конкрет таклифлар айтди. Совет кишилари социалистик Ватан қудратини ўстириш тўғрисида, халқ фаровонлиги ҳақида қилинаётган тинимсиз ғамхўрлик учун Ленин партиясига астойдил миннатдорчилик билдирмоқдалар. Улар ўнинчи беш йилликда бутун мамлакат билан бирга ҳар бир область ва район, ҳар бир шаҳар ва поселка, ҳар бир корхона ва ҳар бир хўжалик ўз ривожида янги-янги чўққиларга кўтарилишдан ғоят мамнун эканликларини изҳор этмоқдалар. Ҳар бир совет киши-си ўзгаришлар кучини яққол ҳис этади.

Жонажон партиянинг буюк ишлари ва муддаоларини халқимиз кўнглига яқин биладi ва тушунади. Ўнинчи беш йилликнинг улуғвор режалари билан таниши чиққан совет кишилари партия планлари, унинг дадил режалари ўзларининг жонажон ишлари эканлигини зўр куч билан ҳис этмоқдалар. Шу боисдан ҳам социалистик мусобақанинг қудратли тўлқини мамлакатимизнинг ҳамма жойларига янги куч билан ёйилмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» яқинда қабул қилган қарори бунинг яққол далили бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат мусобақаси давомида янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари юзага келмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бир қанча областлар, шаҳарлар ва районларнинг, саноат корхоналари ва қурилишлар, коллективларининг, колхоз ва совхозларнинг, халқ хўжалиги турли тармоқларидаги илғорларнинг 1976 йил ва ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан мажбурият олиб бошлаган ташаббусларини кўриб чиқиб, маъқуллади.

Ўртоқлар! Ленин партиясининг жанговар ва чиниққан отряДларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартияси КПСС Марказий Комитети тебрагида метиндек жипслашгандир. У ўзининг марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализми принципларига чексиз содиқлигини, юксак уюшқоқлиги ва сиёсий етуклигини, оммага бошчилик қилиш ҳамда уни катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш маҳоратини неча марталаб намойиш қилган.

Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари ўз партия ташкилоти раҳбарлигида республиканинг меҳнат ва жанговар биографиясига кўпгина ёрқин саҳифалар битди, социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида қийинчиликларни мардона бартараф этиб, муттасил муваффақият қозониб келди. Шак-шубҳа йўқки, улар бундан буён ҳам олдинги марраларда борадилар. Ленин партиясининг XXV съезди ўртага қўядиган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун, коммунизм тантаناси учун курашда ўзларининг бутун кучлари, билимлари ва ижодий ғайратларини сарфлайдилар. (Қарсаклар).

(Доклад қисқартирилган стенограммага мувофиқ эълон қилинмоқда).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Р. 03187. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. В. 2482.